ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ
Ҳар ойда икки марта чиқади.
«Тошкент оқшоми» нашри.

Маҳалладош

1992 ЙИЛ 16 АПРЕЛЬ
№ 7 (67).

Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

ЙИЛИГА МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

ҲОЗИРГИ иқтисодий танглик ва қийинчиликларни енгиш мақсадида маҳалламиз ҳудудидаги корхона ва ширкатлар билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйдик. Давлат банкида ўз ҳисобимиз очилган. Ишни хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини бошқариш асосида ташкил этаётганимиз яхши самара бермоқда.

Тошкент шаҳар Кенгашининг 1990 йил 7 сентябрдаги 3-сессияси қарорига кўра маҳалла ҳудудидаги корхоналар ўз ижтимоий-маданий жамғармасидан бир қисмини маҳалла ихтиёрига ўтказиши кўрсатилган. Шунга кўра 10 дан ортиқ завод-фабрикаларнинг раҳбарлари ҳиммат кўрсатди. Ҳозир ҳисобимизда 100.000 сўмга яқин маблағ бор.

Айни пайтда ширкатлар билан яна бир хайрли ишга қўл урдик. Спорт мажмуи, меҳмонхона ва саунали ҳаммомдан иборат уч қаватли бино қурилиши бошлаб юборилди. Бу иншоотга 4 миллион сўм маблағ сарфланади. Уни йил охиригача фойдаланишга топшириш мўлжалланган. Ҳозир пойдевори битай деб қолди. Сарф-харажатлар шартнома бўйича ширкатлар билан ўртада бўлаяпти.

Замонавий бино режасига кўра чойхона, биллиярдхона, кўнгилли ҳордиқ чиқариш имкониятлари мавжуд. Бино бунёд этилгач кўрсатиладиган пуллик хизматлар эвазига йилига 1 миллион сўмдан ортиқ даромад олишни кўзлаб турибмиз. Шундан 20 фоизи маҳалла ҳисобига ўтказилади.

Тушган даромаддан ободонлаштириш, бева-бечораларга ёрдам кўрсатиш, мактабларда аъло баҳоларга таълим олаётган фарзандларимизни рағбатлантириб боришга қарор қилдик.

Қодирхўжа ЙЎЛДОШЕВ,
Ҳамза районидаги Иноғом Юнусов номли маҳалла комитетининг раиси.

Хушхабарлар

«КАРВОН»НИНГ ТУҲФАСИ

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ «Бешқайрағоч» маҳалласида жойлашган «Карвон» кичик корхонаси дастлабки ишга тушганида бир турда маҳсулот чиқарарди. Ҳозирда эса маҳсулотлар бир нечтага кўпайди. Корхона ишчилари кунига 8 тадан ошириб катталар ва болаларга мўлжалланган кийим-кечакдлар тайёрлашаяпти. Чиқинди хом ашёдан ҳам тадбиркорлик билан фойдаланилмоқда.

Жамоа маҳаллада яшовчи хотин-қизларнинг шароитини инобатга олиб, яқин келажакда касаначиликни йўлга қўйишни ҳам режалаштирди.

Мажид РАҲИМОВ.

АНЪАНАГА СОДИҚ ҚОЛИШДИ

СОБИР РАҲИМОВ районидаги Иброҳим ота маҳалласида ажойиб анъана бор. Бирор тадбир ўтказилса унинг натижалари албатта муҳокама қилинади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Маҳалладаги 11 та кўчага бириктирилган фаоллар иштирок этган йиғилишни комитет раисининг ўринбосари Умар Усмонов бошқарди. Сўзга чиққанлар бу йилги Наврўз кўнгилдагидек ташкил этилгани ҳақида гапириб, байрам тадбирларини уюштиришда йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтдилар.

Собир БОЗОРБОЕВ.

ТАРБИЯГА БАҒИШЛАНДИ

АКМАЛ ИКРОМОВ районидаги «Тоқзор» маҳалласида «Жойларни номлаш—тарбия воситаси» деб номланган мавзуда суҳбат уюштирилди. Унда маҳалла фаоллари, шу ҳудуддаги 251-мактаб ўқитувчилари иштирок этишди.

Ҳозирги кунда билим даргоҳи шу маҳалла фуқароси, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси, Улуғ Ватан уруши фахрийси Тўра Тўлагановнинг номи билан аталмоқда. Суҳбат чоғида сўзга чиққан Карим Раҳимов, Мажид Ҳамидов, Сиддиқ Маҳмудов каби фаоллар таълим-тарбияга меҳнати кўп сингган кишилар номини абадийлаштириш ёшлар келажагига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидладилар.

Абдувоҳид РАУПОВ.

ИНОБАТГА ОЛИНДИ

БУГУНГИ кунда Чилонзор районидаги кўп қаватли уйларда яшовчи аҳолининг талаб ва истаклари инобатга олинган ҳолда барча мавзелар маҳаллаларга айлантирилмоқда. Масалан, 3-мавзе эндиликда «Катта Чилонзор» маҳалласи деб аталмоқда.

Куни-кеча Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Чилонзор кенгашида маҳалла комитетлари раислари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда бу маҳалла расмий равишда тан олиниб, унинг режа ва вазифалари белгилаб олинди.

Мазкур маҳаллада истиқомат қилувчи 116 ўзбек оиласи яқдиллик билан «Узсельхозснабремонт» давлат комитети идишлар билан таъминлаш бошқармасининг бошлиғи Зоир Атаматовни маҳалла комитети раиси, 3-уйжойлардан фойдаланиш идорасининг участка бошлиғи Темирхон Ҳафизовни эса унинг ўринбосари этиб сайладилар.

Исмоил ЗОИРОВ.

Матлуба Икромова Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида 36 йилдан буён ишлайди. У ўз касбининг устаси бўлибгина қолмай, маҳалла аҳли орасида оилавий ҳаёти жиҳатидан, ибрат кўрсата олиши билан ҳурмат қозонган.

Рустам Шарипов сурати.

Хонадон қувончлари

ЯНА ҚИЗАЛОҚ ТУҒИЛДИ

ПОЙТАХТНИНГ «Пахта» маҳалласида яшовчи Илҳом Тўлагановлар хонадонида фарзанд дунёга келди. Шу билан оиладаги қизалоқлар беш нафарга етди. Ҳозир кўзлари мунчоқдек чақалоқ оила аъзолари, ҳатто ўғил кўришни орзу қилган Илҳомнинг қувончига айланган.

— Ишқилиб умри билан берган бўлсин, — дейди Икром ака неварасини суйиб эркалар экан. — Ўғилми, қизми барчаси фарзанд. Эсон-омон вояга етишса юртимизга фойдаси тегади.

Самад ШОДМОНОВ.

Хизматлари беминнат

«МУЛОҚОТ» ЁРДАМГА КЕЛАДИ

Бу кичик корхонанинг ташкил этилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Жамоа чет эл корхоналари билан ҳамкорликда турли қурилмалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга аҳолига ҳам хизмат кўрсатяпти.

— Идорамиз Фрунзе район ҳудудида жойлашган, — дейди «Мулоқот» кичик корхонаси директори Владимир Нурматов. — Шунинг учун ҳам, асосан, шу район аҳолисига хизмат қилаяпмиз. Эҳтиёжманд маҳалла комитетлари ва оилалар доимо эътиборимизда. Муқимий номли маҳалла аҳли учун 200 минг сўмлик озиқ-овқат дўкони, «Қушбеги» маҳалласида 120 минг сўмлик бозор, Бобур маҳалласида 50 минг сўмлик иккита бекат қуриб бердик.

Кичик корхонанинг амалга ошираётган хайрли ишлари кўп. Шу кунларда маҳалла аҳолиси учун 4 миллион 500 минг сўмлик пуллик гаражлар, автомобилларнинг тўхташ жойлари ва машина устахоналари қуришга киришилди.

Илҳом ЙЎЛДОШЕВ.

НАСИҲАТИ ВА ИБРАТИ БИЛАН

Маҳалла комитетидан қайтган Тошпўлат акани набиралари турли саволларга тутди. Дастурхон тузаётган Роҳат ая уни тергаган бўлди:

— Бувангиз ишдан чарчаб келдилар, овқатланиб олсинлар, кейин гаплашасан, болам.

Тошпўлат ака энди тамадди қилиб бўлган ҳам эдики, қўнғироқ жиринглади. Эшик олдида уни бир аёл кутиб турарди. Аёл ўғли бир неча кундан бери ишга бормаётгани, ҳозир маст ҳолда уйда тўполон кўтараётганини айтиб кўзига ёш олди. Улар биргалашиб йўлга тушишди...

Тошпўлат ака ширакайф ўғил билан бафуржа узоқ гаплашди, панд-насиҳат қилди. Хуллас, йигитчанинг ишга боришни ва кечки ишчи-ёшлар мактабига кириб ўқиши ҳақидаги розилигини олиб қайтди.

Йиллар ўтди. Энди ўша йигит ўрта маълумотли, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида катта бир цехнинг бошлиғи.

Ҳа, Тошпўлат ака фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Негаки, у Киров районидаги Мирзо Юсуф маҳалласи комитетига 33 йил раис, бир неча йилдан бери эса, раиснинг таълим-тарбия ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозир ҳам шу юмушни давом эттирмоқда.

Бир маҳаллада 50 йилдан бери фаоллик кўрсатиб келаётган, Тошпўлат Усмоновни ҳамма танийди ва ҳурмат қилади.

Тошпўлат ака районда биринчи бўлиб «Мактаб, оила ва жамоатчилик» дорилфунунини ташкил қилди. 70-мактаб талабаларидан 312 нафари Мирзо Юсуф маҳалласида яшовчи болалар бўлганлиги учун болаларнинг ўқиши, ахлоқ-одобига қаратилган амалий машғулотларни гоҳ маҳалла клубида, гоҳ мактабда ўтказиб келди.

Бундай ҳамкорликдаги тарбиявий ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, оилада меҳрибон отанинг тажрибаларидан кўпчилик манфаатдор бўлаётганлиги ғоят қувончлидир.

Тошпўлат Усмонов 60 йил ёшларга физика, астрономия фанларидан сабоқ берди. Ҳозир меҳнат фахрийси 80 ёшга кирган бўлсада, тиниб-тинчимайди. Ахир, суяги меҳнатда, жамоат ишида қотган-да.

Саъдулла СУЛТОНОВ.

* *Тақдир сўқмоқларида*

Шаҳримизнинг биринчи меҳнат қаҳрамони

УНИ НЕГА ҚАМАШГАН?

Илҳом Одилий 1937 йил 25 август куни Қримдан, дам олишдан қайтганди. Оқшом тушганда 3-4 нафар номаълум кишилар унинг хонадонига бостириб кириб, қамоққа олганликларини айтишади. Одилий бунинг сабабини қийноқли тергов пайтида англайди. Унинг «айби» Акмал Икромов ва Файзулла Хўжаевларнинг қабулида бўлгани эди. Хуллас уни 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этишди. Одилий лагердан-лагерга кўчавериб, 1942 йил 5 майда Ярославль қамоқхонасида оғир хасталикдан вафот этди. У 1957 йилда Ўзбекистон ССР Олий суди коллегиясининг қарори билан оқланди.

ОДИЛИЙ КИМ ЭДИ?

Илҳом Одилий 1888 йилда Тошкентдаги «Чўпон ота» маҳалласида таваллуд топган. Дастлаб амакиси Набихўжанинг эски усулдаги мактабида савод чиқаради, кейин Хўжа Аҳрор мадрасасида таҳсил олади. Ўқувчи, илмга чанқоқ Илҳом мустақил равишда Ҳофиз, Бедил, Навоий, Бобур, Машраб каби аллома шоирларнинг асарларини мутолаа қилади. 1913 йилдан 8-рус-тузем мактабида ўзбек тилидан дарс бера бошлайди. Орадан беш йил ўтгач эса уни «Бешёғоч» даҳасида очилган мактабга директор этиб тайинлайдилар.

Одилий болаларга билим бериш билан бирга ҳунар ҳам ўргатиш мақсадида билим даргоҳи қошида муқовачилик, кулолчилик, этикдўзлик, дурадгорлик ва тикувчилик тўгаракларини очди. 1924 йил февраль ойида даҳадаги «Мирлар» маҳалласида ташландиқ майдонга янги мактаб қуришга киришиб кетди. Сентябрь ойидаёқ бино ҳашар йўли билан қуриб битказилди. Мактабга «Учқун» номи берилиб, унга Одилий директор этиб тайинланди. «Илҳом домла дадам билан дўст бўлиб, бизникига тез-тез келиб турарди», — деб ёзади ўз хотираларида Ҳабибулла Қодирий.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Одилий мактабга «Андижон», «Чуқур кўприк», «Бадирбой», «Сарчопон» каби кўплаб маҳаллалардан болаларни жалб қилди. Уларнинг саводхон бўлишларига муносиб ҳисса қўшди. Жафокаш мураббий 1936 йил август ойида республика, қолаверса шаҳримиз ўқитувчилари орасида биринчи бўлиб «Меҳнат қаҳрамони» унвонига сазовор бўлди.

ФАХРЛИ МАСКАН

Илҳом Одилий мазкур билим даргоҳига 13 йил раҳбарлик қилди. Шу давр ичида Аброр Ҳидоятов, Юнус Ражабий, Ғулом Зафарий, Собит Комилий сингари таниқли муаллим ва санъаткорлар шу масканда таҳсил олдилар. Бугунги кунда республикамизда фан ва маданиятни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган фалсафа фанлари доктори Воҳид Зоҳидов, академик Восил Қобулов, Ўзбекистон халқ мусаввири Мели Мусаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаровлар ҳам «Учқун» (ҳозир 83-мактаб) мактабида ўқиганликлари билан фахрланадилар.

СОДИҚ ВОРИСЛАР

Қатағон йилларининг ноҳақ қурбони бўлган Одилийнинг умр йўлдоши Шаҳодатхон ая хўрликлар ва азоб-уқубатларга бардош бериб, ўн фарзандни тарбиялади. Ҳозирги кунда уларнинг барчаси эл хизматида. Фарида ота изидан бориб, муаллимлик касбини танлади. Башорат ва Бахтиёр тиббиёт ходими. Бошқа ўғил-қизлар ҳам турли соҳаларда меҳнат қилишаяпти.

Бу катта хонадонда 90 нафарга яқин невара-чеваралар бор. Улар боболарининг содиқ ворисларидир.

Латиф ХАЛИЛОВ,
Октябрь районидаги «Учқун» маҳалла комитетининг раиси.

Назиржон ҲОЖИМАТОВ,
Навоий номидаги 40-ўрта мактаб, ўқитувчиси.

Ҳамкорлик шартномаси имзоланди

МУСТАҚИЛ республикамизнинг бундан кейинги ривожланиши ёш авлодга боғлиқлиги табиийдир. Зеро, умидимиз ёшлардан экан, уларни халқимиз олдидаги бурчларини бажаришга тайёрлаш барчамизнинг бевосита вазифамиздир.

Аксарият авлод ўз урф-одати, тарихи, маданий мероси, ҳатто ўз тилини ҳам унутганлиги сир эмас. Айрим ёшларимиз фикрини эгрилик, осон йўл билан бойлик орттириш, масъулиятсизлик, ўзидан катталарга нисбатан ҳурматсизлик каби қусурлар қамраб олган. Бу ташвишли ҳодисаларнинг олдини олиш борасида мактабларимиз жамоалари бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқдалар.

Халқ таълими ходимлари, мактаб директорлари ва маҳалла комитетларининг раислари иштирокида 59-ўрта мактабда «Миллий анъаналаримизнинг ўсмирлар тарбиясига ижобий таъсири» мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий анжуманда ана шулар ҳақида гапирилди.

— Мактаб муқаддас даргоҳ, муаллим эса халққа, катта-кичикка ибрат кўрсатувчи устоз, — деди 59-мактаб директори Санобар Камолова. — Жамоамиз миллий тарбия ва қадриятларимизга таянган ҳолда иш олиб боряпти. Ўқитувчилар билан ота-оналар ва маҳалла аҳли биргаликда иш юритишлари зарур. Ўқувчилар биринчи синфга қабул қилина бошлагандаёқ уларнинг оилавий шароитини чуқур ўрганиб бориш керак.

— Ўзим араб тилидан дарс бераман, — деди «Камолон» маҳалла комитети раиси Абдукарим Шоҳидов. — Бугунги кунда кўпгина устозларимиз Ҳадислар ва Қуръон сураларидан фойдаланмоқдалар. Бу шубҳасиз ижобий самара беради.

Анжуманда Октябрь район халқ таълими муассасалари ва маҳалла комитетларининг ҳамкорлиги юзасидан шартнома қабул қилинди. Ҳужжатга район халқ таълими бўлими мудири Шукур Дадашев ва район маҳаллалар комитетлари номидан Ёдгор Обидовлар имзо чекдилар. Шартнома шартларига мувофиқ мактаб ва оила ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида мактабда очиқ дарслар ҳамда ҳафтанинг шанба кунлари маҳалла раиси ва фаоллари билан учрашувлар ташкил этиш, тарбияси оғир болаларни маҳалла комитетларида муҳокама қилиб туриш, тўгараклар очиб, тарбияси оғир болаларни уларга жалб этиш, маҳаллаларда кичик устахоналар очиш ва ўқувчиларга ҳунар ўргатиш, ота-оналар масъулиятини ошириш каби аниқ режа ва вазифалар белгилаб олинди. Мактаб томонидан маҳаллалардаги ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, энг яхши оилалар билан учрашувлар уюштириш, «Мактабимиз ўқувчиси яшайдиган фахрий оила» мавзусида кўргазма ташкил этиш, ўз навбатида комитетлар эса тарбияси оғир ўқувчиларга фаолларни бириктириш, мактабларни таъмирлаш ва уларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишларига ёрдам кўрсатишига келишиб олинди.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев сўзга чиқиб, шартномани маъқуллади. Сўнгра шаҳар кўрик-танловида кўргазмали қуроллари билан қатнашиб, ғолиб чиққан бир гуруҳ ўқитувчиларга пул мукофотлари топширди. Таълим-тарбия ишига катта ҳисса қўшган маҳалла фаолларига эса фахрий ёрлиқлар берилди.

Дония ЗОКИРОВА.

СУРАТДА: шартнома имзоланаётган пайт акс эттирилган.

* *Ваколат*

ТАКЛИФЛАР АМАЛГА ОШМОҚДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар маҳаллий Кенгашларининг иш тажрибаси кейинги пайтда сайловчилар томонидан берилган топшириқларни бажариш бирмунча фаоллашганини кўрсатиб турибди. Шуниси ҳам муҳимки, топшириқларнинг моҳияти ва мазмунида маълум ўзгаришлар рўй берди. Аниқроқ қилиб айтганда, улар ижтимоий ишлаб чиқаришни ошириш ва иш сифатини яхшилашга қаратилган амалий таклифларга айланди.

Сайловлар арафасида район Кенгаши депутатлигига номзодларга 136 та, шу райондан шаҳар Кенгашига сайланаётганларга эса 117 та топшириқ берган эдик. Тушган топшириқлар ҳар томонлама таҳлил қилиниб, уларни бажариш учун тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди.

Адолат юзасидан айтиш зарурки, депутатларнинг саъй-ҳаракатлари билан кўплаб мактаб ва болалар боғчаларининг бинолари таъмирлаб берилди. Маҳаллалардаги чойхоналарга шолча, кўрпача, чойнак-пиёла, дастурхон каби зарур жиҳозлар бепул тарқатилди. Булардан ташқари хонадонларга канализация қувурлари ўтказилди, кўчаларга асфальт ётқизилди. Янги чойхона-клублар, сартарошхоналар, новвойхоналар, савдо шохобчалари барпо этилаяпти.

Тўғри, ҳозирги танглик, иқтисодий қийинчиликлар даврида бирор ишни уддалашнинг ўзи бирмунча қийин. Аммо халқ олдида ваъда берган киши ўз сўзининг устидан чиқишга астойдил интилса, албатта ниятига етади. Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Абдували Ғуломмаҳмудов Жомий маҳалласидаги ёзги кинотеатр биноси ўрнига маданий марказ қуриш, шунингдек «Янги-Ариқ», уста Ширин маҳаллаларидаги кўчаларни асфальтлаш, 331-болалар боғчасини таъмирлашга яқиндан ёрдам берди.

Шунга ўхшаш бошқа депутатларимиз ҳам зиммаларига олган топшириқларни бажариш учун астойдил бел боғлаганлар. Шу йилнинг биринчи ярим йилида Уста Ширин, Жомий ва «2-Кисловодск» маҳаллаларини оқар сув билан таъминлаш мақсадида насос станцияси қуриб, ишга тушириш, «Янги-Ариқ» маҳалласидаги 96-мактабда клуб биносини бунёд этиш ва бошқа кўплаб тадбирлар белгиланган.

Ўйлаймизки, халқ фаровонлигини ошириш ва маҳаллаларда ободонлаштириш ишларини кенг миқёсда йўлга қўйиш учун депутатларимиз бор куч-ғайратларини аямайдилар.

Кабир КОМИЛОВ,
Киров район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш Кенгашининг раиси, Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати.

* *Ҳуқуқшунос бурчаги*

МАРҲАМАТ, СЎРАЙВЕРИНГ

С. КОМИЛОВ: Менинг бувам Улуғ Ватан уруши 2-гуруҳ ногиронилар. У кишига «Запорожец» машинаси беришмоқчи эди. Аммо шаҳар тиббий-меҳнат эксперт комиссиясида бувамга машина ҳайдаш соғлиғингизга тўғри келмайди, деган мазмунда маълумотнома беришибди. Шу тўғрими?

ЖАВОБ: Шаҳар тиббий-меҳнат эксперт комиссияси бундай хулоса чиқаришга ҳақли. Чунки ҳукуматимизнинг уруш ногиронлари учун 1981 йил февраль ойида қабул қилган қарорига кўра машина бошқаришга тиббий томондан ва белгиланган кўрсатмалар тўғри келган тақдирдагина уларга бепул «Запорожец» автомашинаси берилади.

Истисно тариқасида бувангиз билан бирга яшаётган оила аъзоларидан биронтасига машина ҳайдаш имкониятини эътиборга олинган тақдирда ҳам юқоридаги имтиёз берилиши мумкин. Бу масала юзасидан шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

Абдужалил ҲАСАНОВ.

* *Турмушда асқотади*

«ОИЛА БЮДЖЕТИ»

ШАҲРИМИЗДАГИ дўконларда Москва нашриётларидан бирида чоп этилган ажойиб дафтарча пайдо бўлди. «Оила бюджети» деб номланган бу қўлланма рўзғор юритишингизга катта ёрдам бериши мумкин. Унинг афзаллиги шундаки, маош, нафақа, стипендия, томорқа хўжалиги даромадлари ва бошқа кirimлар учун алоҳида бўлимлар ташкил этилган. Шунингдек, чиқимлар: кундалик эҳтиёжлар, кийим-кечаклар, маданий-маиший сарф-харажатлар, солиқ тўловларига ҳам жой ажратилган. Озгина қунт қилиб, кунма-кун керакли ёзувларни тушириб борсангиз кифоя.

Агар 4 сўм 05 тийин сарфлаб «Оила бюджети»дан сотиб олсангиз асло ютқазмайсиз, деб ўйлайман. Бу сизни тежамкор бўлишга, энг муҳими рўзғорни ҳисоб-китоб билан юритишга ўргатади.

Шавкат САЪДИЕВ.

Ҳурматли муҳарририят! Бизга 1955 йилда жамоа хўжалиги томонидан ер участкаси берилган. Шу жойга уй солдик, кўп меҳнат сарфлаб боғроғга айлантирдик. Бундан тўрт йил илгари томорқа этагига иморат қурмоқчи бўлганимизда қўшнимиз «бу жой менинг отамдан қолган», деб 2,5 сотихини эгаллаб олди. Шундан бери мурожаат этмаган идорамиз қолмади. Аммо ҳеч ким ёрдам қўлини чўзмаяпти. Қўшнимнинг қилган иши инсофданми! Қандай йўл тутишга ҳам ҳайрон бўлиб қолдим.

Зоид ЮСУПОВ,
Киров районидаги Башорат Азизова кўчасида яшовчи меҳнат кексаси.

Халқимизда «Ён қўшнинг— жон қўшнинг», «Қўшнинг тинч — ўзинг тинч», «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшнинг яхши» каби ажойиб мақоллар бор. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган азалий удумларимиздан бири қўни-қўшнилар ўртасидаги тотувлик, меҳр-мурувват, бордикелдичилик, десак ўринли бўлади. Ҳақиқатан ҳам турмушимизда доимо қўни-қўшниларга суяниб яшаймиз. Аммо баъзан, юқоридаги мактубда тилга олинганидек, қўшнилар ўртасида келишмовчиликлар ҳам бўлиб турибдики, шу ҳақда фикр юритмасдан иложимиз йўқ. Биз кўпчилик муштарийларни қизиқтираётган масалаларни ойдинлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар Адвокатлар коллегиясининг аъзоси, малакали ҳуқуқшунос Забиҳилла Муҳаммаджонов билан суҳбатлашдик.

— Забиҳилла ака, бизда қўни-қўшнилар ўртасидаги низоларни кўриб чиқишга мўлжалланган бирор қонун-қоидалар ишлаб чиқилганми!

— Буни қарангки, фақат қўшничилик муносабатларини ўз ичига қамраб олган муайян мажмуалар ҳозирча йўқ. Бунга балки қадимдан обрў қозониб келаётган урф-одатимиз сабабчидир. Маълумки, қўшнилар ўзаро келишолмай лар ўртасида чегара талашиб низо чиқиб қолса гувоҳлар асқотиши мумкин, демоқчисиз-да. Хавотирланишга ўрин йўқ, деб ўйлайман. Чунки ер район уй-жойларни рўйхатга олиш маҳкамаси томонидан қонуний хат-ҳужжатлар асосида тақсимлаб берилади.

— Ҳозир икки қаватли уйлар, иморатлар солаётганлар оз эмас. Шундай пайтда қўшни норози бўлиши мумкин...

— Ота-боболаримизнинг урф-одатларини менсимаётганлар шундай қилишаяпти, деб ўйлайман. Ачинарлиси шундаки, менга деворнинг кераги йўқ деб муғомбирлик йўлини тутаётганлар ҳам йўқ эмас. Яқинда Ишчилар шаҳарчасида яшовчи икки қўшни ўртасидаги низо судда кўриб чиқилди. Бири ёнидан пул сарфлаб, деворни кўтариб қўйибди, иккинчиси эса жонли де-

* *Учинчи саҳифа меҳмони*

УЙ ОЛМА—ҚЎШНИ ОЛ

қолишса маҳалла катталари, кексаларимиз насиҳат қилиб, тартибга чақириб қўйишади. Аммо кейинги пайтда маҳаллакўй фикри билан ҳисоблашмайдиган одамлар ҳам топилаяпти. Шу боис масалага ҳуқуқий жиҳатдан ёндошишга тўғри келмоқда. Масалан, 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ер тўғрисидаги қонунда, Ўзбекистон Республикасининг уй-жой ҳамда фуқаролик мажмуаларида қўшничиликка боғлиқ маълум моддалар ўз ифодасини топган.

— Фуқарога уй солиш учун ер тақсимлаб берилаётганда қўни-қўшнилар, маҳалла вакиллари гувоҳ тариқасида қатнашиши шартми!

— Йўқ. Кейинчалик қўшни-

— Албатта. Шунинг учун қўшниқ билан келишиш керак. Сабаби, уй-жойни белгиланган нормадан ортиқроқ кўтариш ёки чегарага экилган ёнғоқ, терак каби соя-салқин берувчи дарахтлар маълум даражада қўшнига зиён етказади. Масалан, ҳовлисига қуёш тушмаслиги, ҳаво етишмаслиги, экин битмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда фуқароларнинг ҳуқуқлари белгиланган тартибда суд томонидан ҳимоя қилинади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик мажмуасининг 6-моддасида баён этилган.

— Қўшнилар ўртасидаги деворни одатда икки томон келишиб кўтарар эди. Кейинги пайтда негадир келишмовчиликлар келиб чиқмоқда. Сиз бунга нима дейсиз!

вор кифоя, бўлмаса ҳавони тўсиб қўяди, деб бунга розилик бермаяпти. Суд ҳайъати девор ураётган фуқарони қўллаб-қувватлаб одилона ажрим чиқарди. Кўрдингизми, келишмовчилик қанча дилхиралик ва оворагарчиликларга олиб келди.

— Хонадонда экин суғорилаётганда сув қўшни томонга тошиб кетса ёки ертўлани босса қандай чора-тадбирлар кўрилади!

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик мажмуасининг 479-моддасига кўра фуқароларнинг шахсига ёки мулкига етказилган зарар уни етказган шахс томонидан тўланиши керак. Бунда зарар ҳисоблаб чиқилади ва қўшни таъмирлаш учун кетадиган харажатларни тўлашдан бош тортса судга мурожаат қилинади. Октябрь райони, «Марказ-15» даҳасидаги кўп қаватли уйлардан бирида истиқомат қилувчи фуқаро эътиборсизлик оқибатида пастки қаватдаги қўшнисиникига сув тошириб юборган. Сантехниклар ва турар-жой бошқармаси вакиллари акт тузиб, хонадон эгасига етказилган 1614 сўм зарарни суд орқали ундириб беришди.

— Қўшнилардан бири юқоридаги мактубда ёзилганидек, иккинчисининг ерини зўрлик билан эгаллаб олса қандай йўл тутиш зарур!

— Аввало бу масалани маҳалла раҳбарлари, қолаверса шу масканлардаги ўртоқлик судлари орқали ҳал қилишга уриниб кўриш лозим. Агар шунда ҳам бирор ўзгариш сезилмаса унда район ҳокимлиги, ниҳоят судга мурожаат қилинади. Ўзбекистон Республикаси Ер тўғрисидаги қонунининг 64-моддасига мувофиқ ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари эгасига қайтариб берилади. Қонунга хилоф равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган чиқимларнинг ўрни қопланмайди. Чилонзор районидаги «Дўмбробод» маҳалласида бир қўшни ўртадан девор олаётганда чегарадан 0,5 метр ўтиб кетади. Мана шу низони ҳал қилишда қатнашишимга тўғри келди. Даъво аризаси судда кўриб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик мажмуасининг 15-моддасига кўра уй-жойларни рўйхатга олиш маҳкамасининг ҳужжатларига таянган ҳолда ерни эгасига қонуний қилиб қайтарилди.

— Забиҳилла ака, қўни-қўшниларга қандай тилакларингиз бор!

— Одам борки, албатта унинг қўшниси бўлади. Ягона мақсадим шуки, улар доимо тотувлик, ҳамжиҳатликда яшасалар. Тўғри, келишмовчилик, низоларни қонун йўли билан ҳал этиш мумкин. Аммо бу билан муносабатларимиз яхши томонга ўзгаришига умид боғламаслик керак, деб ҳисоблайман. Илгари оила узоқроқ жойга меҳмондорчиликка ёки сафарга кетаётганда уйнинг калитини ён қўшнисига ташлаб кетарди. Мен ўртамизда ҳамиша ана шундай ишонч, тотувлик, меҳр-оқибат қарор топишини тилаб қоламан.

Суҳбатдош
Саъдулла ШОДИЕВ.

Одамлар бўладики қуёшли юз-кўзи
Чўғ ташлар дилларга, лек қораймас юзи.
Баҳра олар коинот-борлиқ улардан,
Худо кунни яратган улар юзидан...

* *«Энг намунали оила» танловига*

Пойқадамига яхшилик таъзим қилади

Ҳа, орамизда шундай инсонлар оз эмас. Уларнинг пойқадамига яхшилик таъзим қилади, ёмонлик эса соясига айланади. Шундай одамларнинг шарофати билан юртимиз тинч, халқимиз яхши кунлар келишига умид билан яшамоқда. Хонадонларимизга файз-барака кириб келаяпти, ҳамжиҳатлик, инсоф, диёнат қарор топаётир.

Аҳолиси кундан-кунга кўпайиб бораётган Янгиобод даҳасида ўз ўрни, мавқеига эга бўлган 10 мингга яқин оила истиқомат қилади. Улар орасидан энг намуналисини танлаш узоққа чўзилмади. Баҳсда қатнашган маҳалла фаолларидан бири, профессор Ўткир Расулов дангалига кўчиб қўяқолди:

— Ансафхон ота Ашрафхонов оиласини намуна қилиб кўрсатса арзийди. Тўғри, яхши хонадонларимиз кўп. Аммо юз ёшни қаршилаётган отахоннинг ўзи ва фарзандлари турмуш тарзи билан катта обрў қозонишаяпти. Очиғини айтганда, Ансафхон отанинг хонадони биз учун муқаддас қадамжога айланган.

Унинг гапларини Тожиддин Аширматов, Жалол Ризамуҳамедов, Ҳаким Ғофуров каби маҳалладошлар ҳам маъқуллашди. Билдирилган мулоҳазалар ҳақиқатан ҳам тўғри. Ўзим ҳам кўп марта отахон билан суҳбатлашиб ёки хонадонига ташриф буюриб, бунинг гувоҳи бўлганман.

Ташқаридан қаралса бу оиланинг бошқалардан фарқи йўқдек туюлади. Аммо мўъжазгина дарвозадан ичкарига кирсангиз олам кўзингизга ўзгача файз билан намоён бўлади. Ҳовли чинни-чироқ супурилган, ҳаммаёқ озода, қийғос гулга чўлғанган шафтоли, чирой очаётган олмалар .

Ансафхон ота дунё кўрган одам. Эски мактабда ўқиб савод чиқарди, ёш боши билан инқилобни қаршилади. Ҳаёт деган «тала-тўп» уммонда тиним билмай, ниҳоят ўқитувчиликда кўним топди. Оила қурди, бола-чақали бўлиб, ўзидан кўпайди. 12 фарзандни вояга етказиб, юздан ортиқ невара-чевара кўрди. Аммо тақдир экан, катта ўғли Эркин пешонасига сиғмади, бевақт оламдан ўтди.

Бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардик. Бу оилада камол топган фарзандлар бир-бирлари билан бирор марта «сан-ман»га борганини эшитмаганмиз. Улар шаҳарнинг барча даҳаларида истиқомат қилишади. Байрам кунлари хонадонга ташриф буюришса ҳовли тўйхонага айланади-қолади. Отахон доимо покизаликка, ҳалол яшашга интилиб, фарзандлари ва невараларини ҳам шунга ундайди. Муҳтабар ая билан кўчада бирга юришса бу икки нуронийга барча ҳавас билан қарайди.

— Бизга ҳам шунақа ёш берсин, — дейишади маҳалладошлар қалблари қувончга тўлиб. — Шуларга ўхшаб қўша қарийлик. Бири маҳалла отаси, бири онаси. Ёшларимиз уларга қараб юриш-туришни, муомалани, давраларда ўзларини тутишни ўрганишаяпти.

Маҳаллада шундай олқишлар олиб яшашнинг ўзи бир бахт. Ансафхон отанинг табаррук хонадони бундай мақтовларга лойиқдир. Зеро, оила аъзолари камтарлиги, тотувлиги билан барчага ўрнак кўрсатмоқдалар.

Неъматжон ҲАСАНОВ.

СУРАТДА: Ансафхон Ашрафхонов (ўртада) оила аъзолари даврасида.

ТАНЛОВ ҲОМИЙСИ — ЎРТА ОСИЁ КАБЕЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ «ЧИНОР» ИЖАРА КОРХОНАСИ.

«Ойнаи жаҳон» орқали

КЎРСАТУВ МАЪҚУЛ БЎЛМОҚДА

Маълумки, илгари «Менинг маҳаллам» кўрсатуви «Ҳамшаҳарлар»га илова тарзида тайёрланиб, «Тошкент» студияси орқали кўрсатиларди. Энди эса Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастурида намойиш этилаяпти. Яъни, уни республикамиз аҳолиси томоша қилиш имкониятига эга бўлдилар. Биз бундай хайрли ўзгариш туфайли белгиланаётган режалар ҳақида гапириб беришни кўрсатув муаллифи ва олиб борувчиси Шавкат Азизовдан илтимос қилдик.

— Ижодий гуруҳимиз олдида турган асосий вазифа маҳаллаларда тарихдан таркиб топган қонун-қоидалар, урф-одатлар ҳамда маънавий қадриятларимизни тиклашдан иборатдир. Негаки, маҳалла ўз-ўзини идора эта оладиган, миллатидан қатъий назар одамларни бир-бирига қовуштирадиган, ор-номуси, ҳаё ва имони кучли катта бир оила ҳисобланади. Ҳозирги кунда мазкур масканларда истиқомат қилаётган кишилар ҳаётида ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Биз шуни эътиборга олиб, биринчи кўрсатувларимизданоқ бевосита мулоқотга Тошкент шаҳрининг сув иншоотлари, ободончилик, газлаштириш, савдо хизмати, ички ишлар бошқармаси, радио, телефон тармоқлари ва бошқа соҳалардаги масъул раҳбарларни таклиф қилдик. Ҳамшаҳарларимиз ва маҳаллаларнинг аҳли улар билан юзма-юз учрашиш имкониятига эга бўлдилар. Кўпчиликни қийнаётган бир қанча масалалар шу кўрсатув орқали баҳоли қудрат ҳал қилинди.

Студияга келаётган хатларда туркум кўрсатувлар айни муддао эканлиги, маҳаллаларнинг ҳаётда ва жамиятда тутган ўрни, юрт осойишталиги, ҳамдўстлик, меҳр-мурувват, қадрият ва инсоний фазилатлар улуғланаётгани алоҳида таъкидланмоқда. Билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган Ўзбекистон телерадио компанияси раҳбарияти кўрсатувни «ойнаи жаҳон»нинг биринчи дастури орқали намойиш қилишга қарор қилди. Зеро, турмушимизда учраётган барча муаммо ва камчиликлар республикамиздаги 7 мингга яқин маҳаллаларда ҳам бор.

Янги дастурда уюштирган биринчи мулоқотимизда телетомошабинлар Моварауннаҳр мусулмонлари идорасининг раиси муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари билан учрашдилар. Лавҳалар кўрсатилаётгандаги баъзи техник нуқсонларни ҳисобга олмаганда кўрсатув кўпчиликка маъқул бўлди, деб умид қиламан.

Айни пайтда Тошкент шаҳар маҳалла ва уй комитетлари билан ишлаш доимий комиссиясининг раиси Шукур Темуров билан ҳамкорликда келгуси режаларни белгилаяпмиз. Ижодий гуруҳимиз мулоқотлар давомида кўпроқ лавҳалар намойиш этиш, аввалги кўрсатувлардан кейин рўй берган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилиб бориш, маҳалла ва кўп қаватли уйлар ўртасидаги тафовутларни йўқотиш, миллий ва маънавий қадриятларимиз билан боғлиқ масалаларга асосий эътиборни қаратади.

Суҳбатни
Зоир ТУРСУНОВ ёзиб олди.

СУРАТДА: навбатдаги кўрсатувга тайёргарлик кўрилаётган пайт.

Томорқа хўжалигингизда

ОЛМА ГУЛГА КИРГАНДА

Ҳурматли муҳарририят! Ҳовлимизда икки туп олма дарахти бор. Ҳар йили аввал ҳосилга кирганда мевасига қурт тушиб, асосий қисми ерга тўкилиб кетади. Бунинг олдини олиш мумкинми!

Сорахон Мадаминова,
Бектемир районидаги «Бузовчи» маҳалласида яшовчи уй бекаси.

Олма қурти ва бошқа зараркунандаларнинг ривожланишига чек қўйиш мақсадида олма дарахтларига биринчи марта гуллаб бўлиши билан, иккинчи марта гуллаб бўлгач 12-15 кундан кейин, учинчи марта эса 46 кундан кейин дори пуркалади. Бунда асосан мева ва барглар эритма билан ҳўлланади.

Фазалон, у бўлмаса рогор қўлланилиб, қуйидаги шартга амал қилинади: дарахтлар гуллаб бўлгандан кейин 46 кун ўтгач, дори бир марта эмас, балки ҳар сафар 15 кун оралатиб, икки-уч марта пуркалади. Ўсимлик ҳаналарига кучли таъсир этиш учун иккинчи дори пуркашда қўлланилаётган суюқликка коллоид олтингугурт ёки кельтан ҳам қўшилади.

Кичкина томорқа участкаларда касаллик ва зараркунандаларга қарши курашда 5—10—20 литр ҳажмдаги автомакс пуркагич аппаратларидан фойдаланиш қулай ҳисобланади.

Мирвоҳид СОБИРОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

Бу киши—биздан

МАНЗУРА АЯ НЕГА ХАФА?

ЎЗБЕКИСТОН халқ артисти Манзура Ҳамидова фақат санъатда эмас, жамоатчилик ишида ҳам эътибор топган онахонлардан. У Октябрь районидаги «Пичоқчилик» маҳалласида йигирма йилдан буён хотин-қизлар кенгаши раиси бўлиб фаолият юритади. Ая маҳаллада кўплаб муаммоларнинг ечилишига сабабчи бўлган. Унинг аралашуви билан қанчадан-қанча оилалар иноқлиги таъминланган. Биз аянинг маҳалладаги ибратли ишлари тўғрисида ёзмоқчи эдик. Рози бўлмадилар. «Бундан ҳам муҳимроқ иш бор», деб қўлимизга қоғоз тутдилар. Ўқиб кўрсак...

●

Бу маҳаллада етмиш саккиз йилдан бери яшайман. Ақлимни таниганимдан маҳалла аҳли билан биргаман. Аммо шу кунларда уларнинг олдида хижолатда қолдим. Маҳалладаги камчиликларни бартараф этиш борасида қанча уринмай натижа бўлмаяпти. Улар эса кўпроқ менга ишонишади. «Тегишли ташкилотларда аяни яхши танишади, ишимиз осон битади», деб ўйлашса керак.

Илгари, маҳалламиз газлаштирилмаган, деган гапни айтиш «сиёсий хато» ҳисобланарди. Энди-чи? Энди нега бизнинг хонадонларга газ етиб келмаяпти. Машинада, сиқилган газ келтирилганда, қиз-жувонларнинг «баллон» кўтариб югуришларини кўриб эзилиб кетаман. Қўшни маҳалладагилар табиий газдан фойдаланишади. Бизгача масофа бор-йўғи 300—400 метрдан иборат. Шаҳар газлаштириш бошқармасидагилардан эса доим бир хил, қувур йўқ, деган жавобни олаяпмиз.

Маҳалла комитети учун ажратилган бино ҳам нураб ётибди. Бу бино савдо дўконига ярамай қолгандан кейин бизга берилган. Қишда совуқлигидан ичига киролмайсан. Ёғингарчилик кунлари хоналарга чакка ўтгани-ўтган. Фаоллар зарур ишларни уйларида қилишади. Қишда кўчамизда лойга ботамиз. Қариялар учун чойхона, ёшларнинг эса спорт билан шуғулланишлари ва маънавий ҳордиқ чиқаришларига имконият йўқ. 26-болалар боғчаси тарбиявий маскан сифатида умуман талабга жавоб бермайди. Янги боғча биноси қурилиши керак.

Яқинда чет эллик кинорежиссёр, Амир Темур ҳақидаги фильмда роль ижро этишимни сўраб, уйимизга келди. Кўча бошида уч маҳалладан чиқадиган ахлат ҳар доим уюлиб ётади. Меҳмон бир менга, бир ахлатхонага қарайди, денг. Бир уялиб кетдим. Бошлашиб уйга кирдик. Келиним ўчоқда ош қила бошлади. Буни кўриб меҳмон «Халқ артисти шунақа оғир шароитда яшаса-я», деб қолди. Унга ҳеч нарса деёлмадим. Чунки, у ҳақ. Маҳалладаги 250 хонадонга тегишли тўғри гапни айтганди?!

Манзура ҲАМИДОВА,
Ўзбекистон халқ артисти.

Ном ҳам ҳусн

ПЕШЛАВҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛСА

Сўз гуҳарига эрур анча шараф
Ким, бўла олмас анга гавҳар садаф.

Ҳазрат Навоий бу байтларида ҳар бир сўзга гавҳардан қутича қилиб сақланса, шунда ҳам унинг қийматига яраша иш қилинмаган бўлади, деганлар. Боболаримиз сўзни шунчалик улуғлашган бир пайтда, ҳозир тилимиздаги учраб турадиган ғализликлар кишининг ғашига тегади. Хўш, шундай экан имло ва тилдаги камчиликларни тузатиш вақти келмадимикан? Маҳаллалар, кўчалардаги турли-туман ёзувлар, расмий хатлардаги имло хатоларнинг бўлиши энди ярашмайди.

Менимча, ҳар бир маҳалладаги эълонлар, кўча кўрсаткичлари, пешлавҳаларни жамоатчилик асосида зиёлилар иштирокида қайта ўзбек тили имлосига тўла риоя қилган ҳолда кўриб чиқиш даркор. Тил ҳақидаги қонун қабул қилинганига ҳадемай уч йил бўлади. Лекин ҳамон унинг асосий бандларига риоя қилинмаяпти. Жумладан, жой номларини қайта кўриш масаласи. Тўғри, кўплаб янги номлар пайдо бўлди. Тарихий номлар, атоқли кишилар хотираси абадийлаштирилди. Лекин бу ишлар охирги пайтда сустлашиб қолди. Менимча Тошкентдаги барча қадимги маҳаллалар номини тиклаб, оммалаштириш зарур. Хўш, нима учун биринчи шаҳар касалхонаси атрофини «Катта ҳовуз» деб бўлмайди. Сал нарироқдаги «26-квартал» мавзесининг ўрни «Сассиқ ҳовуз» деб қадимдан юритилган. «Космос» ёзги кинотеатрининг ўрни эса «Айрилиш» дейилган. Ахир яқин-яқингача бу жойлар халқимиз орасида шу номлар билан юритилар эдику!

Тошкентнинг Эски шаҳар ҳудудидаги ҳамма тарихий маҳаллаларнинг ўз номлари билан аталиши маданиятимизга бўлган муносабатга ҳурматдир.

Бахтиёр КАРИМОВ,

• Қизалоқлар шодлигида акс этган толеъ... Даврон Аҳмад суратлавҳаси.

Маҳалладош

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси 32-уй.
Телефонлар: 32-53-66, 33-99-42.

ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.